

БАҲОРНИНГ БИР КУНИ ЙИЛГА ТАТИЙДИ



Ватан ягонадир,
Ватан биттадир

2023 йил – Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили

Ассалому алайкум, азиз муштарий!

ЎСТИҚВОЛ ҲОҶИ

Қўштепа туманининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газетаси

1943 йил 6 мартдан чиқа бошлаган

www.istiqbolyuli.uz

istiqbol.43@umail.uz

2023 йил 24 март № 10 (8452)

МУБОРАК РАМАЗОН ОЙИНИ МУНОСИБ ТАРЗДА ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси

Президентининг
ҚАРОРИ

Кейинги йилларда мамлакатимизда “Инсон қадрини учун” деган эзгу ғоя асосида ҳар бир фуқаро эркин ва фаровон яшайдиган Янги Ўзбекистонни барпо этиш мақсадида халқимизнинг азалий орзу-интилишларига ҳамроҳанг ва уйғун ҳолда кенг қўламли ислохотлар олиб борилмоқда.

Олдимизга қўйган бундай улғувор вазифани амалга оширишда биз энг аввало қадимий тарихимиз ва бой маданиятимизга, юсак инсонпарварлик тамойилларини ўзида мужассам этган миллий ва диний қадриятларимизга таянишимиз табиийдир. Айниқса, эл-юртимиз доимо орзиқиб, катта хурсандчилик билан кутиб оладиган, жамиятимизда тинчлик, дўстлик, меҳр-оқибат ва бағрикенглик муҳитини мустаҳкамлашга хизмат қиладиган муқаддас Рамазон ойининг бу борада алоҳида ўрни ва аҳамияти борлигини таъкидлаш лозим.

Бутун дунё мусулмонлари қатори халқимиз учун эзгулик, меҳр-мурувват, саховат, олижаноблик ва шукроналик тимсоли бўлган муборак Рамазон ойини муносиб кутиб олиш ва юқори савияда ўтказиш, диний-маърифий, маданий қадриятларимизни асраб-авайлаш ва улғулаш мақсадида:

2023 йил муборак Рамазон ойининг бошланиши 23 март кунига тўғри келиши ҳақидаги Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Дин ишлари бўйича қўмити ва ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда Рамазон ойини миллий анъана ҳамда қадриятларга мос ва муносиб тарзда ўтказишга доир чора-тадбирларни амалга оширсин.

Худудларда Рамазон ойининг мазмун-моҳиятида мужассам бўлган одамийлик, инсон шаънини улғулаш, яхшилик ва меҳру саховат каби фазилатларни намоён этадиган, бугунги тинч ва осойишта ҳаётимизни қадрлаш, оила ва маҳаллаларда, бутун юртимизда меҳр-оқибат, ўзаро ҳурмат муҳитини мустаҳкамлаш, кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож кишиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган тадбирларни ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилсин.

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Рамазон ойини ўтказиш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси М.М. Камилов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш.МИРЗИЁЕВ

Байрам шодиёналарида



КЎКЛАМНИНГ КЎКСИДА ТУМОРСАН, НАВРЎЗ!

Борлиқ яшил либосга бурканди. Атрофни қуёшга пешвоз чиққан анвойи гиёҳлар иси тутган. Боғ-у хонадонларда қийғос гуллаган гилос, шафтоли, эртаки олма гулларининг ҳузурбахш ҳиди тутиб, кўнглингиздаги яшашга, яратишга иштиёқингизни янада жўш урдиради. Янги кун, шарқона йилбоши айни шундай фараҳбахш кунларда нишонланишида ҳам ажиб ҳикмат бордай.

Янги кун ташрифига бағишлаб “Қийқи” маҳалласидаги маданият маркази атрофида уюштирилган Наврўз шодиёнаси унда иштирок этган катта-ю кичикнинг руҳиятига кўтаринкилик бахш айлади. Кексалар бу йилги қаҳратоннинг қаҳридан омон чиққанларига шукроналар айтиб, бир-бировлари билан омонлашадилар. Ҳамма-ҳаммининг юз-кўзларида баҳорий илиқлик, наврўзий шуқуҳ.

Байрам шодиёнаси ўтадиган майдон гулу чечакларга бурканган. “Ассалом, Наврўзи олам!”, “Ҳар кунинг Наврўз бўлсин, жонажон Ўзбекистоним!” сингари шиорлар кўзга ташланади.

Туманининг қўли гул хунармандлари, касб-хунар ҳамда умумтаълим

мактаблари ўқувчилари тайёрлаган кўрғазмалар атрофи одамлар билан гавжум. Жонли олам севувчиларининг байрамга

турибдилар.

Ҳамма ўриндиқларни эгаллагач, байрам тантаналари бошланаётганини англатувчи мусиқа садолари янграйди. Кенг майдон узра Наврўзойни мадҳ этувчи, кўнгилларга сурур бағишловчи шеър ўқилмоқда. Шундан сўнг, шодиёна иштирокчилари, улар орқали туман аҳлини муборакбод этиш учун туман ҳокими Илёмбек Новиковга сўз берилди.



олиб келган гуллари, қушлари ҳеч кимнинг эътиборидан четда қолмаяпти. Дорбозлар, туманимизнинг спорт мактаби ёш боксчилари, миллий курашчилари ҳам ўз маҳоратларини намойиш этишга ҳозир

ди. Ҳоким сайил аҳли ва бутун қўштепаликларни яратиш, яшариш айёми билан самимий муборакбод этиб, эзгу тилаклар билдирди.

Давоми 2-бетда

УШБУ

2

* Хорманг, эл юкига елка тутганлар!

СОНДА:

* Эътирофдан – масъулият сари

3

* Мўмин камолотининг пойдевори

* Маккор касаллик

* Жаҳон айвонида

4

Сабоқ бекати

* Аҳли дониш дейдиларки...

* Ақл-ақлдан қувват олади.

* Дунёнинг мумтоз файласуфлари

КЎКЛАМНИНГ КЎКСИДА ТУМОРСАН, НАВРЎЗ!

**Давоми, бошланиши
1-бетда.**

Туман маданият маркази қошидаги "Тарона" доирачилар гуруҳининг чиқиши қалбларни тўлқинлантириб, байрамга янада тантанаворлик бахш этди. 15-муסיқа ва санъат мактаби ўқувчилари, мактабгача тарбия ташкилотлари тарбияланувчилари ҳам шодиёнага ўзига хос кўтаринкилик улашдилар. Катта ашуласиз, аскиясиз Наврўз сайили бўлармиди?! Каримжон Фозилов, Мусажон

дорлиги, гўзал ва такрорланмас қадриятларимизни ўзида мужжасам этган чиқиш бу гал ҳам барчада унутилмас таассурот қолдирган бўлса, нежаб. Шокиржон Қорабобоев, Саидвали Азимов, Шавкатжон Тожибоевлар энг сара кўшиқларини томошабинларга ҳавола этдилар. Ҳар йили ҳам туманимиз байрам шодиёнасига мамлакатимизга таниқли санъаткорлар ташриф буюрадилар. Бу гал ҳам анъана давом этди. Сайил аҳли Ўзбекистон халқ ҳофизи Илҳом Иброҳи-



Қосимовларнинг "Боғаро"си, Азимжон Турғунов ва Иқболжон Шукуровларнинг пайровларини сайил аҳли олқишлар билан кутиб олдилар.

Фидойи санъаткор, раҳматли Ортиғали Аҳмедов асос солган "Кабутар" фолклор-этнографик халқ жамоаси тайёрлаган байрам дастурини ҳар йили ҳам сайил аҳли ўзгача илиқлик билан кутиб олади. Мазмун-

мов, Отабек Мухаммадзоҳидларнинг дилрабо кўшиқларини тинглаб, рақс тушиб хордиқ чиқардилар. Сайилдан ҳамма-ҳамма кўтаринки кайфиятда қайтди. Баҳорий байрамона хурсандчилик хонадонларга, маҳаллаларга, меҳнат жамоаларига кўчгани тайин.

**Матн ва суратлар
муаллифи: Бахтиёржон
РЎЗИОХУНОВ.**

Туманимизда Маҳалла тизими ходимлари куни нишонланди



ХОРМАНГ, ЭЛ ЮКИГА ЕЛКА ТУТГАНЛАР!

Маҳалла ҳар бир фуқаро турмушига дахлдор институт. Унинг жамиятимиз ижтимоий-маънавий ҳаётида тутган ўрнини ҳисобга олиб, давлатимиз раҳбари соҳа ходимларини қўллаб-қувватлаш мақсадида 22 март санасини Маҳалла тизими ходимлари куни, деб эълон қилганлари жуда адолатли ва ҳамманинг дилидаги қарор бўлди.

Шу куни бутун мамлакатимиз миқёсида тизим ходимлари куни кенг нишонланди, жумладан, туманимизда ҳам. Шу куни "Ғиштмон" маҳалла фуқаролар йиғинидаги маданият марказига соҳа ходимлари қаторида, нурунийлар, секторлар раҳбарлари, бир қатор ташкилот ва муассасалар мутасаддилари таклиф этилдилар.

Дастлаб туман ҳокими Илёмбек Новиков эл юкига елка тутатган соҳа ходимларини байрам билан самимий муборакбод этиб, маҳалла-

ларда тинчлик-хотиржамлик, ободлик, тадбиркорлик ҳаракатини ривожлантириш, оилалар барқарорлигини таъминлаш, хотин-қизлар ва ёшларни қўллаб-қувватлаш борасида олиб бораётган ишларини янада самарали ташкил этишда жонбозлик кўрсатишларини, уларга мустаҳкам соғлиқ, хонадонларига фазл-у барака тилади.

Шундан сўнг соҳанинг бир гуруҳ фидойилари туман ҳокимининг "Фаҳрий ёрлик"лари ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Тадбир жараёнида "Лангар" маҳалласида истиқомат қилаётган, 20-умумтаълим мактабининг собиқ ўқувчиси, ҳозирда Марғилондаги Эркин Воҳидов номи ижод мактаби битирувчиси, бу йил Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори бўлган Нилуфар Эргашеванинг ютуқлари алоҳида эътироф этилиб, унга эсдалик совғаси тақдим этилди.

Байрам давраси қатнашчилари марказ ҳовлисида ёзилган дастурхон атрофида гурунглашиб, туманимиз санъаткорлари томонидан ижро этилган куй-кўшиқлардан завқ олдилар.

**Бибисора
СОТВОЛДИЕВА,
ҳокимлиқ бўлими
масъул котиби.
Юқоридаги сурат
Бахтиёржон
РЎЗИОХУНОВ
томонидан ана шу
жараёнда тасвирга
туширилди.**

22 март – Маҳалла тизими ходимлари куни

ЭЪТИРОФДАН – МАСЪУЛИЯТ САРИ

Маҳалла азал-азалдан тарбия маскани, миллий қадриятлар ўчоғи ҳисобланади. Шу боис ҳам мазкур тизимни ривожлантириш, унга эътиборни кучайтириш доим устувор вазифалар қаторида бўлиб келган. Айниқса, бугунги глобаллашув даврида миллатнинг маънавий қиёфасини сақлаб қолиш ҳамда жамиятни қадим тамойиллар асосида тараққий топтиришда маҳалланинг ўрни, аҳамияти беқиёсдир. Президентимиз кўрсатмаларига биноан мана иккинчи йилдирки, 22 мартда нишонланаётган "Маҳалла тизими ходимлари куни"да ушбу жаҳоннинг ижтимоий нуфузи янада ёрқин намоён этилмоқда.

Жорий йилда ҳам республика миқёсида кенг нишонланган сана туманимизда энг фидокор ходимларни рағбатлантириш, ўтган даврда бажарилган ишларни сарҳисоб этиш ва салмоқлаш, ютуқлар билан бирга камчиликларга эътибор қаратиш сингари муҳим жараёнлар билан кечди. Зеро, соҳа учун белгиланган алоҳида кун нафақат эътироф сифатида аҳамиятли, балки унинг тараққиётига замин бўлиши мақсадга мувофиқдир. Кўрсатилган эътиборга муносиб жавоб бериш истаги биз, тизим ходимларининг зиммасига улкан масъулият юклагани ҳам

айни ҳақиқат.

Туманимизда 51 та маҳалла фуқаролар йиғини бўлиб, сўнгги йилларда мамлакатимизда кенг қулоч ёйган ислохотлар натижасида йиғин идоралари давр талабларига мос ҳолатга келтирилмоқда. Бугун барча маҳаллалар "Халқ уйи" деб аталмиш биносига эга. Давлат-хусусий шерикчилик асосида "Кичикбешкапа" ҳамда "Сармозор" маҳаллалари бинолари янгитдан қурилиб фойдаланишга топширилди. "Қизилариқ" йиғини биноси ҳам бюджет маблағлари ҳисобидан замон талабларига мос равишда тўлиқ таъмирдан чиқарилди. Шунингдек

"Баландмачит", "Ғиштмон", "Шомирза", "Шакар" маҳалла фуқаролар йиғинлари бинолари ҳомийлар томонидан тўлиқ таъмирланиб, барча зарур шарт-шароитларга эга бўлди.

Тумандаги барча масканларни ривожлантириш мақсадида оғир ҳудудларга алоҳида ёндашув билан иш олиб борилди. "Янгиариқ", "Лангар", "Ғиштмон" маҳалла фуқаролар йиғинларида "Обод маҳалла" дастури ҳамда "Ташаббусли бюджет" лойиҳалари бўйича 25 миллиард сўмдан зиёд маблағ ажратилиб, ички йўللари асфалтлаштириш, тоза ичимлик суви тар-

моқларини тортиш, электр трансформатор, таянч столбалар ҳамда кўча ёриткичларини ўрнатиш ишлари амалга оширилди. Бунинг натижасида муаммоли бу гўшалар обод маҳаллалар қаторига ўтказилди.

Ўтган йил давомиде тумандаги саккизта фуқаролар йиғинларида жиноятчилик кузатилмаганлигини ҳам таъкидлаб айтиш керак. Булар "Қийқи", "Оқтепа", "Янгидўкон", "Баландмачит", "Гаримдон", "Пахтакор", "Кўприқбоши", "Халқобод" маҳаллалари бўлиб, эндиликда "яшил ҳудуд" таркибига киритилди. Бундан ташқари, 28 та маҳаллада жиноятчилик камайганлиги қайд этилди.

Барча маҳаллаларда олиб борилаётган эзгу ишлар самарадорлигида эл бошини қовуштириб, аҳил ва ҳамжихатликни таъминлаётган раҳбарларнинг роли катта, албатта. Шу ўринда, кадр-

лар сифатини ошириш бўйича талай чора-тадбирлар бажарилаётир. Барча йиғин раислари тўлиқ таркибда 40 соатлик малака ошириш курсларида таҳсил олиб, сертификатга эга бўлдилар. "Шакар" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Анвар Абдурахмонов "қумуш" сертификатни қўлга киритди.

Юқоридаги каби кўрсаткичларни бошқа йўналишлар бўйича ҳам келтириш мумкин. Энг муҳими, тизим йилдан-йилга такомиллашмоқда ва бу ўсиш вилоятимиз ҳамда туманимизнинг энг чекка жойларида ҳам акс этаётир. Ўтказилган байрамона тадбирлар эса бизга хизмат вазифамизнинг нечоғли шарафли ва айни чоғда залворли эканлигини эслатиб, ҳар сафар янги чарх бағишлайди.

**Турдиали
КЕНЖАЕВ,
туман ҳокимлигининг
маҳалла ва
нурунийларни
қўллаб-қувватлаш
бўлими бошлиғи.**

Муқаддас ой суҳбатлари

МЎМИН КАМОЛОТИНИНГ ПОЙДЕВОРИ

Юртимизга Рамазони шариф ўзининг фазлу ва баракоти ила ташриф буюрган илк кунларда рўзанинг фазилатлари ва беҳисоб фойдалари ҳақида сўз юритмоқ хайрлидир. Зеро, Рамазон қалбларни юмшатиб гўзаллаштирадиган, жаннат эшикларини очиб, жаҳаннам эшикларини беркитилган ҳамда савоблар мўл-кўл бериладиган ойдир.

Ислоннинг беш асосий рўкнларидан бири ҳисоблангани Рамазон рўзаси Аллоҳ таолонинг розилиги йўлида тонг отгандан то кўёш ботгунгача ейиш-ичиш, шаҳвоний нафслардан ўзини тийиш ва ҳар-хил гуноҳларга сабаб бўладиган ишлардан сақланишга сабаб бўладиган ибодатдир. Ваҳоланки, динимизда ҳар бир ибодатнинг ўз моҳияти ва ҳикмати бор. Жумладан, инсонларга рўза тутишнинг фарз қилинишида ўзига хос ҳикмат ва фазилатлар бор. Аввало, инсон рўза тутиш билан қалбини турли хил филлу ғашлардан поклаб, ниятни холис қилиб, нафсини жиловлаш ҳамда қалбда тақвосини зиёда қилиб, шу орқали Аллоҳ таолонинг розилигини топишга интилади.

Имом Бухорий ривоят қилган Ҳадиси шарифда Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам: "Қимки Рамазон рўзасини иймон ила савоб тилаб тутса, унинг олдинги барча гуноҳлари мағфират қилинади", деганлар. Бошқа бир Ҳадисда пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам: "Рамазон кирса, жаннат эшикларини очиб, дўзах эшикларини беркилади ва шайтонлар занжирланади", деганлар.

Рўза тутувчиларга ажр, савоб ва охират даражаларини ваъда қилувчи бу каби ҳадислар жуда ҳам кўп. Лекин рўза тутишнинг фойдаси шу билан чегараланиб қолмайди. Балки, рўза тутишда инсон жисмига ва унинг руҳиятига ҳамда ҳаётига фойдалар жуда кўп. Зеро, Рамазон рўзасининг фарз қилинишининг яна бир ҳикмати ҳам нафси жиловлаб, руҳни тарбиялашдир.

Рамазон ойи гўзал ахлоқ ва яхши одоб фурсатидир. Бу ойда бирор киши билан тортишиш ва жанжаллашиш дуруст эмас. Рамазонда бундай амаллардан янада узоқроқ

бўлиш, ҳатто биров сўкса ҳам, ҳақорат қилса ҳам, унга рўзадорлигини айтишдан бошқа жавоб қайтарилмайди.

Абу Ҳурайра ризияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: "Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: "Бинобарин, рўза тутган киши ҳақорат сўзларини тилга олмасин, сўзлашганда бақирмасин, бировни масхара қилмасин! Агар бирор киши рўзадор билан уришса ёки уни ҳақорат қилса, рўзадор икки бор: "Мен рўзадорман", десин!", деди-лар".

Рўза нафақат банданинг руҳий-ахлоқий ҳолатини сайқаллайди, балки унинг танасига ҳам ижобий таъсир этади. Олимларнинг хулосалари бу ҳикматни янада исботлаб, рўза инсоннинг ёшаришига сабаб бўлиши, иммунитет кучайиши ва хотираси яхшиланиши ҳақида далиллар келтирадиганлар. Демак, биз, мусулмонлар Рамазон рўзасини тутиб ҳам ажр топамиз, ҳам танамиз мустаҳкамланишига эришар эканмиз.

Рўзанинг биз баён этмаган яна жуда кўплаб дунёвий ва уҳровий жиҳатлари борки, у баайни мўминнинг камолотидир. Бу муқаддас ойнинг манфаатларидан имкон қадар кўпроқ баҳраманд бўлиш ҳар биримизга насиб этсин.

**Абдуҳошим АҲМАДАЛИЕВ,
туман бош имом хатиби.**


JAHON AYVONIDA

Ҳиндистоннинг Лондондаги элчихонаси ҳужумга учради



Саудия Арабистони Подшоҳи Эрон Президентини Ар-Риёдга таклиф этди

Саудия Арабистони Подшоҳи Салмон бин Абдулазиз Ол Сауд Эрон Президенти Иброҳим Раисийни Ар-Риёдга ташриф буюришга таклиф қилди. Бу ҳақда Эрон етакчиси маъмурияти раҳбарининг сиёсий масалалар бўйича ўринбосари Муҳаммад Жамшидий маълум қилди.



22 март - Мирзо Улуғбек таваллуд топган кун

Дунё илм-фани ҳамон унинг кашфиётларини ўрганмоқда, тадқиқ этмоқда. Коинот, астрономия, илғор ахборот технологиялари ва бошқа замонавий илм-фандаги кашфиётлар буюк аллома бобомиз Мирзо Улуғбекнинг маънавий мероси, заҳматли изланишларига таянади.

АҚШ ва Буюк Британиянинг савдо-сотик мувозанатида рекорд даражада камомад қайд этилди

Таиландда нефть ортан танкер ва балиқчилар кемаси тўқнашиб кетди

Ўзбекистон делегацияси Афғонистонга ташриф буюрди

22 март куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташқи сиёсат масалалари бўйича махсус вакили Абдулазиз Комилов бошчилигидаги мамлакатимиз делегацияси амалий ташриф билан Афғонистонда бўлди.

Шимолий Корея тўртта қанотли ракета учирди

Жанубий Корея ҳарбийлари чоршанба куни КХДРнинг тўртта қанотли ракета учирилганини қайд этди. Бу ҳақда Корея Республикаси Миллий мудофаа вазири Ли Чжон Соп маълум қилди.

Шифокор маслаҳати

ЭНГ МАККОР КАСАЛЛИК Ундан ҳимояланиш ўз қўлингизда

Сил юқумли касаллик бўлиб, уни кўзга кўринмайдиган майда бактериялар – сил таёқчалари юзага келтиради. Кўп ҳолларда сил таёқчалари ўпкани зарарлайди. Баъзи ҳолларда мия ва мия қобиғи, суяклар, бўғинлар, буйрақлар, жинсий аъзолар, кўз, ичак ва бошқа аъзолар сили ҳам учраши мумкин.

Сил таёқчалари кўп ҳолларда организмга нафас йўли орқали ўтади, ўпка тўқималарида ривожланади ва кўпаяди. Ўпка тўқимасида бўшлиқ, (каверна)лар ҳосил бўлади. Бу бўшлиқларда миллионлаб сил микроблари бўлади. Микроблар бемор йўталганда, аксирганда, қаттиқ гаплашганда, тупурганда балғам зарралари билан атрофга отилиб чиқади ва сачрайди. Бу кўзга кўринмас балғам зарраларида минглаб сил таёқчалари бўлади. Сил бактериялари ҳавода бир неча соатгача сақланиши мумкин, айниқса, ҳона ҳавосида узоқ вақт сақланиб қолади. Ўпка сили билан касалланган бемор хонада узоқ вақт қолса, ҳавода бактерияларнинг сони кўпайиб, бошқа кишиларнинг нафас йўлларида ўтади. Бемор дуч келган жойга балғам ташласа, вақт ўтиб қуриб, сил таёқчалари ҳавога чанг билан кўтарилди ва нафас йўллари орқали соғлом кишиларга ўтади.

Демак, ҳеч ким сил таёқчаларнинг юқишидан ҳимояланган эмас, чунки, ҳаво ҳамма учун умумийдир.

Сил бактерияларини юқтирганларнинг барчасида ҳам касаллик ривожланмайди. Касалликнинг ривожланиши организмнинг иммунитетини, яъни организмнинг касалликка қарши курашувчанлигига боғлиқ. Организмнинг касалликка қарши курашувчанлиги (иммунитет) пасайганда, касалликнинг ривожланиш эҳтимоли ортади.

Ўтган йил давомида туманимизда 35 та касаллик аниқланди. Шундан тиббий кўрик давомида саккиз фуқарода бу хавфли касаллик борлиги маълум бўлди. Тўққиз ҳолатда беморлар ўз вақтида шифокорга учрамастлиги оқибатида кеч аниқланган. Ҳатто уч нафар болада ҳам бу хавфли касалликнинг аниқланиши ачинарли.

Амалиётда кузатилганки, одам иммунитет танқислиги вирусини (ОИВ), одам организмнинг ҳимоя воситаси ҳисобланадиган иммунитет тизимини чуқур жароҳатлайди. Қонда касаллик кўзгатувчи микробларга қарши курашувчи ҳужайра – лимфоцитлар мавжуд. Одам иммунитет танқислиги вирусини айнан шу ҳужайраларни емиради. Натижада одамни турли хил юқумли ва юқумли бўлмаган касалликларга, жумладан, силга мойиллигини оширади. ОИВ/ОИТСга чалинганларда сил касаллигининг юзага келиши ва ривожланиш эҳтимоли юқори бўлади.

Силнинг маккорлиги шундаки, у кўп ҳолларда грипп ёки нафас йўлларида шомоллаши ниқоби остида кечади. Нафас йўллари шомоллашида тавсия қиладиган дорилар эса сил таёқчаларини ўлдиролмайди. Оқибатда одам касалликни ўтказиб юборади. Агар бемор вақтида даволанмаса, йўтал кучайиб, балғам ажралиб чиқади, баъзан қон тупуради.

Касаллик йўталнинг икки ҳафтадан ортиқ давом этиши, иситма кўтариллиши, дармон қуриши, тез чарчаш, озиб кетиш, иштаҳанинг йўқолиши, кўкрак қафасда орик пайдо бўлиши каби белгилар билан бошланади. У узоқ давом этиб, даволаш 6-8 ой муддатни талаб қилади. Бу муддат давомида шифокор тавсия этган дориларни қабул қилишда танаффусга мутлақо йўл қўймастик керак. Агар бемор даволашни давомида ўзини яхши ҳис этиб, дорилар ичишни тўхтатиб қўйса ёки вақтида ич-маса, сил таёқчалари дориларга нисбатан чидамийликни шакллантиради, оқибатда сил таёқчасининг бу дорига чидамли бўлган бошқа кучлироқ турлари пайдо бўлади.

Силнинг бу турларига қарши курашиш анча қийин кечади, даволаниш узоққа чўзилади.

Эсингизда тутинг! Сил ирсий касаллик эмас, у наслдан наслга ўтмайди. Фақат яқин мулоқотда бўлганлиги сабабли, беморнинг оила аъзоларига касалликнинг юқиш эҳтимоли юқори бўлади. Шунинг учун сил касаллиги баъзи ҳолларда оилавий кўринишга эга бўлиши мумкин.

Сил касаллигини аниқлаш ва даволаш хизматлари бепул кўрсатилади. Ҳозирги вақтда силга қарши эмлаш (БЦЖ) тугруқхонада, чақалоқ ҳаётининг биринчи кунларида ўтказилади. Эмлашнинг таъсири 5-7 йилдан кейин камаяди. Шу муносабат билан қайта эмлашлар ўтказилади. Ҳар йили бир марта шифокор назоратидан ўтиб туринг.

* Гигиенага қатъий риоя этинг. Соғлом турмуш тарзи тамойилларига амал қилиб, жисмоний фаол бўлинг, соғлом овқатланг. Хоналарни тез-тез шамоллатиб туринг. Хоналарга кўёш нури тушиб туришини таъминланг. Сил таёқчалари зах ва қоронғи жойларда узоқ вақт сақланиб қолади.

* Хоналар, жиҳозларнинг чангини нам ёки хўл латта билан артинг. Урин-қўрпа, ёстиқ каби ювилиши қийин бўлган буюмларни офтобга ёйиб туринг.

* Дуч келган жойга тупурманг. Эсингизда бўлсин: сил микроблари тупурқда, оқар сувда бир неча ойгача яшаш хусусиятини сақлаб қолади.

* Кашандалик, ичкиликбозлик ва гиёҳвандлик каби иллатлар шаклланишига йўл қўйманг.

* Шифокорга қанчалик эрта мурожаат қилинса, даволаниш шунчалик самарали бўлади. Сил билан оғриётган беморлар тавсия этилган дориларни ўз вақтида қабул қилишлари ҳамда даволаш курсларини тўхтатмасликлари шарт!

Эсингизда тутинг! Даволаниш давомида сил касаллигининг юқумлилиги камайиб боради. Қайтарамиз, касалликни аниқлаш ва даволаш хизматлари бепул кўрсатилади.

**Раҳмонали ЙЎЛДОШЕВ,
туман силга қарши кураш диспансери бўлим мудир.**

**Алижон СИДДИҚОВ,
туман тиббиёт бирлашмаси аҳоли соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш бўлими мудир.**

Расулulloх (с.а.в.) хадисларидан



Рамазон ойи ер билан осмон оралигида муаллақдир. У Аллоҳ таолога фитр закоти (садақаси) берилмагунча кўтарилмайди.

Жарир (розияллоху анху)дан **Ибн Шоҳин ривояти.**

Ой йигирма тўққиз кунлик бўлса, токи янги ойни кўрмагунча рўза тутишни бошламанглар. Оғиз очиб юришни ҳам янги ойни кўрмагунча бошламанглар. Агар кун булутли бўлса, ўттиз кунга етказиб, мукамал қилинглари. Ибн Умар (розияллоху анхумо)дан

Бухорий ва Муслим ривояти.

Рўза ва Қуръон қиёмат кунни банда учун шафоатчи бўлишади. Рўза: "Ё Рабб! Мен уни кундузи овқат ва шаҳватдан манъ этдим. Мени унга шафоатчи қил!", дейди. Қуръон: "Мен уни кечаси ухладан манъ этдим. Мени унга шафоатчи қил", дейди. Бас, у икковларига шафоат ато этилади.

Ибн Умар (розияллоху анхумо)дан **Байҳақий ривояти.**

Садақани ўз ўрнига сарфлаш, яхшиликни бажо келтириш, ота-онага яхшилик қилиш, қариндош-уруғлар билан алоқаларини тиклаш бадбахтлиқни саодатга ўгириб, умрни зиёдалаштиради ва ёмонлик ҳалокатидан сақлайди.

Абу Нуайм ривояти.

Рўза ҳар хил ёмонликлардан қалқондир. Абу Ҳурайра (розияллоху анху)дан

Бухорий ва Муслим ривояти.

Мусибатнинг аввалги лаҳзасида сабр қилиш ҳақиқий сабрдир. Анас (розияллоху анху)дан

Бухорий ва Муслим ривояти.

"2002 ҳадис"дан. (Ҳадиси шарифларда одоб-ахлоқ зикри). "Мунир" нашриёти. Тошкент—2022 йил.

Saboq bekati



Оз-оздан ўрганиб доно бўлур, Қатра-қатра йиғилиб дарё бўлур. Алишер НАВОИЙ.

Аҳли дониш дейдиларки...

ЭЗГУЛИК ИНСОНГА ХОС ХУСУСИЯТ

Даврон элининг жисмида ҳам жон бўлғил, Ҳам жонларига мояи дармон бўлғил.

А. НАВОИЙ

Бирор-бир кимсага яхшилик қилсанг, шуни билки, сенинг саховатингдан у беҳад шод бўлгани каби, сенга ҳам шунчалик завқ насиб этади.

ҚОБУС

Ҳар бир кишида Яратувчининг доно қудрати яширинган, шунинг учун бу қудратнинг тараққий этиши, гуллаб-яшнашига имкон бериш лозимлигини унутмаган ҳолда бир-бирингизни иззат-икром қилинглари.

Биз бир-биримизга эътибор билан муносабатда бўлишни ўрганишимиз керак, дунёда энг ажиб, энг олий хилқат – инсон эканлигини тушунмоғимиз керак.

М. ГОРЬКИЙ

Саховат гўзалликдан кўра афзалроқ.

Г. ГЕЙНЕ

Инсонни чинакам бахтиёр қила оладиган икки хил хоҳиш бор—одамларга наф келтириш ва соф виждонли бўлиш.



Киши ўзига қанчалик кам талаб қилиб, одамларга шунчалик кўпроқ фойда етказса, унинг яхшилиги шу қадар улғуйди, бошқаларга қанчалик кам фойда етказа туриб, ўзига кўпни талаб қилса, ёмонлиги ҳам шу қадар орткидир.

Л. Н. ТОЛСТОЙ


Умрини бошқаларнинг бахти тўғрисида ғамхўрлик қилиш билан ўтказган кишилар энг ажойиб ва айна вақтда энг бахтиёр кишилардир.

Бошқаларнинг қайғусини ўз қайғуси деб билгани учун ҳам инсон барча жонзотлар орасида азизу муқаррам бўлди.

В. А. СУХОМЛИНСКИЙ

Фафур Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент 1989-йил.

Дунёнинг мумтоз файласуфлари



УМАР ХАЙЁМ

Ҳаёти...

Гиёсиддин Абдулфатх Умар ибн Хайём Нишопур шаҳрида, бадавлат хунарманд оиласида туғилиб, вояга етди. Унинг лақаби Хайём бўлиб, бу сўз "чодир тикувчи" деган маънони англатади. Умар Хайём тили аччиқ, баджаҳл одам бўлган. У ўз шеърларини форс тилида, насрий асарларини эса араб тилида битган. Хайём ўзининг рубоийлари билан ном қозонган. Унинг тахминан 400 та рубоийси мавжуд бўлиб, шулардан 293 таси Кембриж дорилфунунининг кутубхонасида сақланади.

Умар Хайём қомусий олим эди. Унинг 600 йилдан сўнг аниқланган математик формулалари мавжуд. Хайём, шунингдек, 11 ёшли шахзодани даволаган ҳакам, Қуёш ва Ой тутилишини, об-ҳаво қандай бўлишини аввалдан айтиб берувчи мунажжим ҳам эди. Бухоро ҳукмдори Умар Хайём билан суҳбат чоғида юксак ҳурмат-эътиборининг белгиси сифатида уни доимо ўз ёнига – тахтга ўтқазган.

...Ҳикмати

Бир кун 83 ёшли Хайём ибн Синонинг фалсафага оид асарини мутолаа қилатуриб, паймонаси тўлганини, ўлими яқинлигини ҳис этади. Уша заҳоти мутолаадан тўхтаб, асарнинг ўқиб бўлинган саҳифасига қўлидаги олтин тиш кавлагичини қўйиб китобни ёпади. Сўнг

ўрнидан туриб, яқинларига васиятларини айтади-да, шу ондан бошлаб ейишичишни тарк этади. Шом намозидан сўнг у саждага бош қўяди-да, Яратганга шундай илтижо қилади: "Аллоҳ! Мен кучим етганча Сени англашга ҳаракат қилдим. Қанчалар англаганим сайин Сенга яқинлаша бордим. Кечир мени!". У шу сўзларни тугатиб, ҳаётдан кўз юмади.

Бор эди қуллол дўқони, кирдим бир гал, Дастгоҳ бошида кўзагар ишларди жсадал.

Кўрдимки, гадо илқию шох қалласидан Ул кўзага бежирим бўйин, даста ясар...

Ёшдир-қаридир, жсаҳонга юз тутгайлар, Бу нуқтани то кўнгилга жо этгайлар.

Ҳеч кимсага қолмагай абад мулки жсаҳон, Келдик, кетамиз, боз келиб-кетгайлар...

Кун ўтса кунингдан, сен уни ёд этма, Ҳам келмаган ул эртага фарёд этма, Бу келмаган-ўтган била бунёд этма, Ҳўп хайр дегил, умрни барбод этма.

Асрори азални сану ман билмасмиз, Бу харфи чигални сану ман билмасмиз, Ҳар нечаки сўзладик, дедик парда оша, Чу пардаки, тушиди, сану ман билмасмиз...

Авлоди баишар бўйида жигарпора эмиш, Шодлик била гам қўйида овора эмиш, Сан чархга умид боғлама, ул чархи фалак,

Сендан-да гариб эрмишу бечора эмиш.

Билгаймисан, аё, саҳарларда хўроз, Фарёд этарда сенга не сўйлар роз? Ул дерки, аён бўлди саҳар кўзгусида Тун ўтди умрдан, беҳабардирсан боз...

"Ҳақиқат манзаралари"дан. "Янги аср авлоди". Тошкент—2002 йил.

Ақл-ақлдан қувват олар КЎКЛАМ—МЕҲНАТ БИЛАН КЎРКАМ



Вақт – инсон учун беҳисоб бойлик. Шунинг учун ҳам "Олтин топилади, вақт топилмайди", дейдилар. Бирмунча мақолларда вақтнинг қадрига етиш, ишлаш вақти келганда ғафлатда ётмаслик, ҳар бир ишни ўз вақтида бажариш, ишни асло кейинга сурмаслик зарурлиги уқтирилади. "Куннинг ғами – саҳардан, йилнинг ғами – баҳордан", "Бўлса баҳор, тургил саҳар", "Кўк-лам – меҳнат билан кўркам", "Ақлинг бўлса, бир кун илгари ҳаракат қил", "Бир кун – бир йилни тўйдирар", "Кундан қолсанг – ойдан қолсан, ойдан қолсанг – йилдан қолсан", "Бозордан қолсанг – бир кун қолсан, экишдан қолсанг – бир йил қолсан", "Ота-боболаримиз экишнинг қулай пайти етгач, бу ишни сира ҳам кечиктирмасликка катта эътибор берганлар. Ҳатто халқимиз орасида шундай муболагали гап ҳам борки, сеппаётган уруғнинг бирор донаси хўкизнинг устига тушиб қолиб, бир нафасдан сўнг ерга тушса ҳам, ҳосили камроқ бўлади, дейдилар. "Эрта эккан – хирмон қилар, кечга қолган – армон қилар", "Кечки экиннинг хатари кўп" ("Кечга қолиб экилган экин яхши амал олмайди, мўл ҳосил тугмайди, ҳосили кеч этилади, ҳатто кеч кузга борганда ҳали тўла пишиб етилмай, совуқ уриши, қор-ёмғир остида қолиб кетиши ҳам мумкин", дейилмоқчи).

"Ҳикматнома"дан. Тошкент - 1990 йил.

Азиз муштарий! Ҳафтаномамизда улуг аждодларимиз ҳаёти ва ҳикматлари чоп этилаётганлиги учун уни ножиоз ерларга ташламанг!

МУАССИС: ҚўШТЕПА ТУМАНИ ҲОКИМИЯТИ ВА ТАҲРИРИЯТ ИЖОДИЙ ЖАМОАСИ

Бош муҳаррир: Умидахон ХУДОЙБЕРГАНОВА
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги Фарғона вилояти бошқармаси томонидан 2007 йил 9 январда 12-012 рақами билан рўйхатта олинган. Бичими А-3

МАНЗИЛИМИЗ: 151111, Марғилон шаҳар, Бобур номли маҳалла, Соҳибкор кўчаси, 4-уй. Телефон ва факс: муҳаррир (55) 801-17-54

Газета таҳририятининг компютерда терилди ва саҳифаланди. Дизайнер: Достонбек Холматов

«Полиграф-Пресс» МЧЖ босмаҳонасида 3003 нусхада чоп этилди. Баҳоси келишилган нархда. Манзил: Марғилон шаҳар, Туркистон кўчаси, 236 «Б» уй.

Нашр кўрсаткичи: 64875
Буюртма № 193
Топшириш вақти 18.00
Топширилди 18.00

Ушбу сонга масъул: Хадичахон КАРИМОВА
ISSN 2010-9253
17720101925307